МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ (МДҲ) ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИДАГИ ЎЗБЕКЛАР ТАРИХИ

Ш.А. Ҳайитов

Мақолада архив ҳужжатлари ва тарихий адабиётларнинг қиёсий таҳлили орқали МДҲ га кирувчи ва Болтиқбўйи давлатларида истиқомат қилаётган ўзбекларнинг тарихи ва бугунги ҳолати ёритилган.

Таянч атамалар: *муҳожир, хорижлик ўзбек, миллий маданий марказ, ўзбек тили, миллий қиёфа, урф-одат, трансформация, ватандош, қавм-қариндошлик.*

В статье проводится сравнительный анализ архивных материалов и исторической литературы в отношении узбеков, проживающих в странах СНГ и Прибалтики.

Ключевые слова: *эмигрант-узбек, национальный культурный центр, узбекский язык, национальный облик, традиция, трансформация, соотечественник, родственные узы.*

On the basis of archive materials and historical sources this article reveals and conducts the comparative analysis dealing with Uzbeks who emigrated to the countries of CIS and around the Baltic sea.

Key words: *emigrant, Uzbeks living abroad, cultural center, Uzbek language, national appearance, customs, transformation, compatriot, relatives.*

Кириш.

Ер юзи аҳолисининг кўп асрлик тарихга эга дунё бўйлаб миграцияси (кўчиш) ва диаспора (тарқалиш жараёни) туфайли бугунги кунда бирорта ягона миллатли мамлакатни учратмаймиз. Ўзбеклар қанчалик асл Ватани – Ўзбекистонга мустаҳкам боғланган бўлмасин, уларнинг ҳам дунё бўйлаб тарқалиш жараёни юз берганига гувоҳ бўламиз. Ўзбек миллати вакиллари тарқалган мамлакатларни шартли равишда “узоқ хориж”, “яқин хориж” каби гуруҳларга ажратиш мумкин. “Яқин хориж”даги ўзбеклар собиқ Совет Иттифоқи парчаланиши оқибатида Шарқий Европа, Кавказорти, Марказий Осиё минтақаларида XX аср сўнгги ўн йиллигида дунё сиёсий харитасида вужудга келган янги давлатларда истиқомат қиладилар.

Ушбу мақолада Қозоғистон ва Ўрта Осиё, МДҲ ҳамда Болтиқбўйи мамлакатларидаги ўзбеклар тарихи ҳақида мухтасар фикр юритилади.

Муаммонинг манбашунослиги ва тарихшунослиги.

Мақолани тайёрлашда асос бўлган манбаларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Архив ҳужжатлари
2. Даврий матбуот материаллари
3. Мавзуга оид адабиётлар

4. Муаллифнинг шахсий суҳбат материаллари

Мақоланинг тарихшунослигини Ўзбекистон Республикаси ҳамда хориждаги олимларнинг муҳожирлик ва ўзбек диаспораси тарихига оид тадқиқотлари ташкил қилади. Жумладан, етакчи-тарихчи олимлар: Д.А.Алимова, Р.Т.Шамсутдинов, Ҳ.З.Зияев, Ш.А.Ҳайитов, шунингдек, Г.Аъзамова, Х.Шамсиева, Б.Садикова, А.Мендикулова кабиларнинг мақола ва асарларида мавзуга оид маълумотлар мавжуд.

Мақоланинг асосий мазмуни.

Совет жамияти парчаланганидан сўнг, собиқ Иттифоқдаги турли республикаларда истиқомат қилувчи ўзбеклар ҳам биз учун "яқиндаги олислар" бўлиб қолди.

Аввало, Марказий Осиё (Ўрта Осиё ва Қозоғистон) минтақасидаги ўзбеклар билан қавм-қариндошчилик алоқаларини боғлаган, урф-одатларида муштараклик жиҳатлари кўп бўлган, бир дарёдан сув ичадиган, диндош ва тақдирдош Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Қозоғистон Республикаларидаги ўзбеклар хориждаги ўзбеклар сафини кенгайтирди. Айниқса, улар ҳар бир Республикада "Фуқаролик ҳақида", "Тил тўғрисида" қонунлар қабул қилиниши, чегараланиш ўтказилиши, божхона назорати ўрнатилиши ва миллий валюта жорий қилиниши билан ўзларини бошқа давлатдаги ўзбеклар эканликларини ҳис қила бошладилар.

XX аср охирида (2000 йил - Ш.Ҳ.)ги демографик маълумотларга кўра, Тожикистон Республикасида 1 млн. дан ортиқ ўзбеклар истиқомат қилиб, мамлакат аҳолисининг 25 фоизини ташкил этган. Ўзбеклар Тожикистоннинг Хўжанд, Қўрғонтепа каби вилоятларида нисбатан зич яшаб, уларнинг салмоқли қисми 1926-1932 йиллардаги совет ҳокимиятининг ихтиёрий-мажбурий кўчириш сиёсати туфайли асосан Фарғона водийсидан бу мамлакат ерларига кўчирилган.

Ўзбеклар сони кўплиги жиҳатидан Қирғизистон Республикаси иккинчи ўринда туриб, ушбу давлатда 720 минг ўзбеклар (айрим манбаларда 800000) истиқомат қиладилар. Шунингдек, Қозоғистонда 500 минг, Туркманистонда 400 мингдан ортиқ ўзбеклар бор. Агар ушбу маълумотлар 2001-2002 йилларга тааллуқли эканини ҳисобга олсак, улар сони янада кўпайиб, ҳозирда 3 млн.дан кам бўлмаган ўзбеклар Марказий Осиёнинг Ўзбекистондан бошқа республикаларида яшаб келмоқда [1].

Юқорида таъкидланганидек, Марказий Осиё ўзбеклари, тарихимизнинг турли босқичларида туркий халқларнинг кўчишлари туфайли минтақа бўйлаб жойлашган туб жой ўзбекларга ва совет ҳокимиятининг "кўчкиндичилик", "қулоқлаштириш" сиёсати кабилар туфайли Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларидан қўшни республикаларга кўчирилган ўзбекларга бўлинади. Ўзбек миллати вакилларини Марказий Осиё Республикаларининг барча ҳудудларида учратиш мумкин. Бироқ улар кўп сонли бўлиб яшаётган вилоятлар географияси қуйидагича бўлиб, архив ҳужжатлари маълумотича: Тожикистоннинг Қўрғонтепа ва Хўжанд вилоятлари, Туркманистоннинг Тошҳовуз ва Лебоп вилоятлари, Қирғизистоннинг Ўш (412 минг), Жалолобод (280 минг) вилоятлари ва шимолий қисмида (28 минг), Қозоғистоннинг Жамбул ва Чимкент вилоятлари ҳудудида ўзбеклар жамоаси кўпдир [5.60.-в; 65-в 73-в].

Ушбу мамлакатлардаги миллатдошларимиз ўзбек тили, миллий урф-одатлар ва ўзбекона анъаналарни сақлаб қолиши, маданий меросимиздан баҳраманд бўлиш ва маданият ривожига ҳисса қўшишлари учун Ўзбекистон билан мустаҳкам алоқада бўлишларини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Шунинг учун Қирғизистон Республикасида 1991 йилдаёқ "Ўш ўзбеклари жамияти" (раҳбари Д.М.Собиров), Жалолободда "Ўзбек маънавий-маданий маркази" (раҳбари: Қ.Ботиров) кабилар ташкил топиб, иш бошлаганди.

Ўш вилоятида "Ўзбеклар маданий маркази" ҳам бўлиб, уни дастлаб академик олим, "Қирғиз-Ўзбек институти" ректори, миллатдошимиз М.Т.Мамасаидов бошқарди.

Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида "Ўзбеклар маданий жамияти", Алматида 1995 йилдан буён "Дострлик" ўзбек маданий маркази (раҳбари, тадбиркор Б.О.Қодирбеков) ишлаб турибди [2].

Тўлиқ бўлмаган маълумотларга кўра, РСФСР да 127-130 минг атрофида ўзбеклар бор [1.15]. Миллатдошларимиз Россия давлати ҳудудига анча олдин (XVI аср бошидан) кўчиб бориб жойлашганлар. Улар XVI-XVIII асрларда Урал ва Волга бўйларида, Сибирнинг ўнлаб шаҳарларида истиқомат қилишган. Сибирь ўзбекларини "сибирлик бухороликлар" дейишган. Кейинчалик улар татарлашиб, "бухоролик татарлар" деб аташ таомилга кирган [3.45-56].

1916 йилда Россия империясининг мардикорликка олиш сиёсати орқали сафарбар қилинган туркистонликлар қаторида бир неча минг сонли ўзбеклар ўзга ўлкаларда қолиб кетгани ҳам манбаларда қайд этилган.

Ўзбеклар совет ҳукумати йилларида ҳарбий хизмат, БАМ, КАМАЗ каби йирик иншоотлар қурилиши, Россия ноқоратупроқ зонаси ва Сибирни ўзлаштириш кабиларга комсомол йўлланмалари

билан юбориш, олийгоҳ ва техникумларда ўқишга бориб, оилали бўлиб қолиб кетиш каби сабабларга кўра РСФСРда муқим яшаб қолганлар. Улар сафига кейинчалик ўз моддий шарт-шароитини яхшилаш, марказий шаҳарлардан бирида яшаш илинжида бўлганлар ҳам бориб қўшилди.

Ушбу мамлакатда ўзбек ватандошларни бирлаштирувчи жамиятлар тузилган. Россиянинг энг йирик ва нуфузли шаҳарларидан бири Санкт-Петербургда "Умид" ўзбек ватандошлар жамияти (1992 йил тузилган – Ш.Ҳ.) мавжуд бўлиб, ўзида 20000 миллатдошларимизни бирлаштириб турибди. Жамият раиси А.Ж.Ҳайдаров ва муовини О.Р.Раҳимовлар Ўзбекистон билан 1998 йилдан буён мустаҳкам алоқа ўрнатганлар. Астраханда 1996 йилда ташкил топган "Ўзбекистон – ўзбек ватандошлар жамияти" мавжуд, ташкилот 9000 ўзбекни ўзида тўплаган бўлиб, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган бир қанча тадбирлар ўтказмоқда. Жамият раҳбари Б.Аминов манзилига Ўзбекистондан ўзбек тилидаги кўпгина адабиётлар юборилади. Ушбу жамиятларга аъзо бўлган миллатдошларимизнинг ижтимоий таркиби хилма-хил бўлиб, улар орасида бизнесмен-тадбиркорлар, зиёлилар, уламолар, оддий ишчи ходимлар ҳам бор. Жамият ва уюшмаларнинг аъзолари ўзбек тилини сақлаб қолишни миллий ўзликнинг асосий тамойили деб қарайди.

Украинада ўзбек миллатига мансуб аҳолининг сони 21000дан ортиқ бўлиб (2002 йил маълумоти – Ш.Ҳ.), шундан 17000 ўзбек шаҳарда, 4000 нафари эса қишлоқда яшайди. Мамлакат пойтахти Киевда 1989 йилдаёқ С.Т.Обидов раислигида "Ўзбек маданий жамияти" тузилганди. Бироқ ҳозир бу жамият фаолияти моддий аҳвол оғирлиги туфайли бир оз муддатга тўхтатилган.

Украина Республикасида кейинги йилларда юз берган кескин сиёсий жараёнлар, ҳарбий тўқнашувлар, нобарқарор вазиятни келтириб чиқарган воқеликлар туфайли анчагина ўзбеклар ўз яшаш жойларини бошқа мамлакатларга кўчиб ўтиш орқали ўзгартирдилар.

Урф-одати, тили, маданияти биздан узоқ бўлган Болтиқбўйи Республикаларида ҳам ўзбеклар истиқомат қилмоқда. Демографик маълумотларга кўра, Латвияда 1000 дан ортиқ, Эстонияда эса 500 дан ортиқ ўзбек ватандошлар умргузаронлик қилишади. Улар асосан Рига, Юрмала, Елгава (Латвия); Таллин (Эстония) шаҳарларида яшашади. Эстония пойтахти Таллин шаҳрида 1989 йил 6 декабрида "Сафар" номли ўзбек маданий маркази тузилган бўлса, Литва пойтахти Ригада 1991 йилда "Нур" ўзбек ватандошлар маданий жамияти иш бошлаган эди. Ушбу жамиятларни О.Йўлдошев ва Л.Соҳибназаровалар бошқаришяпти [2].

"Нур" жамияти қошида кутубхона, миллий ўзбек тилидаги якшанба синфлари ташкил этилган. Ўзбекистоннинг Латвиядаги элчихонаси орқали ташкилот мутассадилари ўзбек тилидаги газета ва журналларни мунтазам олиб туради [4].

"Сафар" маданий маркази 10 кишидан иборат "Ғунча" ўзбек миллий ансамбли ҳамда миллий якшанба мактабларини очган. Марказ ташаббуси билан ўзбек маданияти ва санъати асарлари кўргазмаси, "Наврўз" байрами каби миллий байрамлар биргаликда ўтказиб турилади.

Таъкидлаш жоизки, 2004 йилда биринчи президентимиз И.А.Каримов расмий визит билан Латвияга борганларида "Нур" ўзбеклар жамияти аъзолари билан учрашиб, суҳбатлашдилар. Ригада буюк ўзбек астрономи ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек (1394-1449) ҳайкалини очиш маросимида латвиялик ўзбеклар ҳам фаол қатнашган [2].

Хулоса

Собиқ Иттифоқ парчаланиши ва янги мустақил давлатлар вужудга келиши билан ўзбеклар яшайдиган хорижий дунёнинг географияси янада кенгайди. Юқорида қайд қилинганидек, янги давлатларда "Давлат тили тўғрисида" Қонун қабул қилиниши, мамлакатлараро чегаралар ўрнатилиши, миллий валюта ва миллий символларнинг жорий қилиниши (мадҳия, байроқ, тамға) билан миллатдошларимиз хорижлик ўзбек бўлиб қолганликлари исбот талаб қилмайди. Иттифоқда амал қилган ягона қонун-қоидалар, тартиб-интизом ўрнига ҳар бир давлатдаги ўзига хос тараққиёт йўли танлангани ўзбекларни асл Ватанларидан бир қадар "узоқлаштирди".

Хуллас, XX аср сўнгги ўн йиллигидан бошлаб кўп сонли ўзбеклар биз учун "хорижлик ўзбек" бўлиб қолди, шунингдек, уларда ватандошлик, қавм-қариндошлик ришталарини янги тарихий шароитда ўрнатиш, ўзликни сақлаб қолиш муаммолари туғилди. Муҳожир ўзбеклар қайси мамлакатда яшамасин, улар бизнинг миллатдошларимиз, шундай экан, ўзбекларнинг миллий-маданий марказларини, матбуот органларини, миллий уюшмаларини ўзбек тилидаги адабиётлар билан таъминлаш, хорижлик юртдошларимиз орасида Ўзбекистон Республикасидаги ўзгариш ва маълумотларни тарғиб қилиш бизнинг муҳим вазифамиздир. Шунингдек, МДҲ, Болтиқбўйидаги ўзбеклар ўзлари истиқомат қилаётган мамлакатлар билан Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий,

маданий, илмий-техникавий ва дўстона алоқаларни ривожлантиришда муҳим кўприк бўлишларига эришиш зарурлигини даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Адабиётлар

1. Аъзамова Г.А. Узбеки за рубежом: социально-политические и правовые проблемы. Автореферат дисс… канд. философ. наук.- Т., 1955.- 26 с.

2. Дўстлик жамиятлари Кенгашининг хориждаги ватандошлар билан алоқа боғлаш бўлими жорий архиви. 1998-2002 йиллар.

3.Зияев Ҳ.З. Сибирь, Волга ва Урал бўйларидаги ўзбеклар (энг қадимги даврлардан XX аср бошларигача). Т.: Шарқ; 2003: -318 бет.

4.Пругер В. Латвиялик ўзбеклар билан алоқа ўрнатилмоқда. //Туркистон.- 1992.- 17 ноябрь

5.Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви (ЎзРМДА) Ф-2822; 1-рўйхат, 89-ҳужжат.

Бухоро давлат университети,
2017 йил 15 апрелда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Б.Расулов)